

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИОГЕН ҲОЛАТЛАРНИ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ҚАРШИ КУРАШИШДА ВАТАНПАРВАРЛИК ВА АДОЛАТЛИЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ ходим
Нарзуллаев Нурымбек Нуруллаевич*

АННОТАЦИЯ: Мақолада Янги Ўзбекистонда коррупциоген ҳолатларни барвақт олдини олишда “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлашнинг зарурати, ҳалолликнинг моҳияти ва шу билан бирга, давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамиятларининг коррупцияга қарши ҳамкорликда курашиш самаралари тўғрисида маълумот берилган. Шунингдек, “коррупция” ва “коррупция билан боғлиқ жиноятлар” тушунчалари таҳлил қилинган бўлиб, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишнинг асосий йўналишларига доир масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: коррупция, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, коррупция билан жиноятларга қарши курашишнинг асосий йўналишлари.

ФОРМИРОВАНИЕ ХАРАКТЕРА ПАТРИОТИЗМА И СПРАВЕДЛИВОСТИ У СОТРУДНИКОВ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ В РАННЕМ ПРОФИЛАКТИКЕ И БОРЬБЕ С КОРРУПЦИОННЫМИ СИТУАЦИЯМИ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ: В статье рассматривается необходимость «вакцина честности» в раннем предупреждении коррупции в Новом Узбекистане, важность честности, а также эффективность сотрудничества государств, правительств, международных организаций, правоохранительных органов и гражданского общества в борьбе с коррупцией. Также были проанализированы понятия “коррупция” и “преступления, связанные с коррупцией”, а также раскрываются основные направления деятельности по предупреждению и борьбе с преступлениями, связанными с коррупцией.

Ключевые слова: коррупция, преступления, связанные с коррупцией, предупреждение преступлений, связанных с коррупцией, основные направления борьбы с преступлениями, связанными с коррупцией.

FORMATION OF THE PATRIOTISM AND JUSTICE FEATURES AMONG THE OFFICERS OF INTERNAL AFFAIRS IN THE EARLY PREVENTION AND FIGHT AGAINST CORRUPTION SITUATIONS IN THE NEW UZBEKISTAN

ANNOTATION: The article deals with the necessity of “vaccine of honesty” in the early prevention of corruption in New Uzbekistan, the importance of honesty, as well as the effectiveness of cooperation between states, governments, international organizations, law enforcement bodies and civil society in combating corruption. As well as the concepts of “corruption” and “crimes related to corruption” is analyzed and the main areas of activity on prevention and combating crimes related to corruption are revealed.

Keywords: corruption, crimes related to corruption, prevention of crimes related to corruption, the main areas of combating crimes related to corruption.

Янги Ўзбекистон замонавий воқеликларга босиқлик билан ёндашадиган, ўз имконият ва камчиликларини холис баҳолай оладиган ҳамда устувор йўналишлари ва стратегик мақсадларини мустақил белгилашга қодир бўлган етук давлатга айланаётган бир пайтда давлат органларининг ўзида манфаатпарастлик, порахўрлик, коррупция, айбдорларга ҳомийлик қилиш, ўз ишига жинояткорона совуққонлик муносабатида бўлиш каби ҳолларга йўл қўйилаётганлиги олдимизга қўйган юксак марраларга эришишга тўсиқ бўлаётганлиги сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сон фармони [1] тасдиқланди. Мазкур фармонда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар пухта тайёрланган, чуқур ўйланган, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган ҳаётбахш чора-тадбирлар мажмуидан иборат бўлиб, 100 та мақсад белгиланганлиги ва бу Янги Ўзбекистонда коррупциоген ҳолатларни барвақт олдини олишда “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлашнинг зарурати, ҳалолликнинг моҳияти, нафс тарбияси ҳамда “ҳалоллик вакцинаси”ни озиклантирувчи манбаларни идрок этишни талаб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон қонуни[2]нинг 5-моддасига биноан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, ҳар бир давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўзининг бошқарув тизимида қонуннинг 3-боби

“Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш”, 4-боби “Коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар” ҳамда 5-боби “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги”ни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар олиб бориш самарадорлигини ошириш борасида вазирлик ва ташкилотларда “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, ундаги белгиланган вазифаларни босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Коррупциянинг аниқ сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашда коррупция ҳақида «огоҳлантирувчи сигналлар» рўйхатини ишлаб чиқилиши борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Худудлар (вилоят, туман) ва идоралар (таълим, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва ҳ.к.) да коррупция даражаси ҳақидаги жамоатчилик фикрини аниқлаш бўйича социологик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга мурожаатномасида: “Афсуски, жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда”. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди. Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “**ҳалоллик вакцинаси**” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак” – деб таъкидланган эди [3].

“Халоллик вакцинаси” атамасини биринчи бўлиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев илмий муомалага киритгани бежиз эмас. Чунки, коррупция мамлакатимизда йиллар давомида одат тусига кириб қолганлиги ҳам ҳақиқат.

“Халоллик вакцинаси” деганда уни биологик дори воситаси эмас, аксинча ижтимоий препарат бўлиб инсонни, ижтимоий муҳитни соғломлаштириш воситаси сифатида тушиниш керак. “Халоллик вакцинаси” бу – ҳалолликни таъминловчи барча воситалар ва усуллар мажмуасидир. Улар биргаликда қўлланилади. Масалан, бир ерда маъмурий, иқтисодий чора устувор бўлса, иккинчи ерда билим бериш ва тушинтириш ишлари устувор бўлади. “Халоллик вакцинаси” мажозий маънода ҳалолликни шакллантирувчи ижтимоий препаратдир. “Халоллик вакцинаси” жамиятга зид иллат коррупциядек жиддий касалликни келтириб чиқармаслик ёки қўшимча таъсирлар кўрсатмаслигини олдини олади. Мазкур вакцина фуқароларда соф инсонийлик бурчини чуқур англаш, жамият ва Ватан олдидаги мажбуриятларни ҳалоллик билан бажариш

ҳиссини шакллантиради. Чунки, ҳалоллик ижтимоий муҳитда, халқ орасида яратилади.

Бугун Ўзбекистон иқтисодий эркинлаштирилмоқда: кичик бизнес соҳибларига назорат юки пасайтирилмоқда, баъзи инспекцион ташкилотлардаги бюрократик оворагарчиликларга барҳам берилмоқда, молиявий, солиқ ва божхона тизимларимиз либераллаштирилмоқда, хусусий бизнесни ҳукуматдан ҳимояловчи қонунлар қайта ислоҳ қилинмоқда.

Комил инсон доимо ҳалоллик билан умргузаронлик қилади. Руҳан пок ва руҳан эркин бўлади. Немис файласуфи Гегель: “Шарқда Муҳаммад динни бутларга сиғинишдан халос қилиб, бутун заминни поклади. У инсонни дунёвий ташвишлардан озод қилиб, унинг руҳиятига, қалбига мутлақ хуррият бағишлади. Бу ерда ақл ва юрак Аллоҳни танишдан, унга муҳаббат завқидан, фақирликдан лаззатланишдан ўзини бахтиёр ҳис қилади” – деб ёзади [4].

Қомусий олим, юнон файласуфи Аристотель: “Инсон барча тирик мавжудотларнинг мукаммали ҳисобланади. Лекин у ҳеч қандай қонунларсиз ва ҳақ-ҳуқуқсиз яшаса, барча мавжудотларнинг тубанидир. Ҳақиқатан ҳам, ноҳақлик билан қуролланишдан даҳшатлироқ нарса йўқ” – деб ёзган экан [5].

Инсонга хос фазилат – фикрлаш ва ўйлашдир. Дарҳақиқат, мустақил фикр юритмаслик қарамлик белгиси. Абдурауф Фитрат ёзганларидек: “Тафаккур этмаслик ва муҳокама қила билмаслик диний, ижтимоий ва шахсий ҳаётимизга жуда кўп зарар келтиради” [6].

Мазкур мавзу Янги Ўзбекистон келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждони уйғоқ фуқарони коррупция ва манфаатпарастликни миллий тараққиётимизга таҳдид сифатида доимо эсда тутмоқликка ундайди.

Шунингдек, коррупция ва манфаатпарастлик бошқаларни менсимаслик каби иллатларни келтириб чиқариши ва охир-оқибатда иқтисодий ўсиш ва оммавий фаровонликнинг ошишига тўсқинлик қилувчи куч сифатида баҳоланади.

Шу боис кенг жамоатчилигимиз, зиёлиларимиз, олим ва адибларимиз, санъат ва маданият аҳли, ўзини маънавий соҳасига бағишлаган барча инсонларни у ёки бу мамлакатда умумбашарий ва хатарли ҳодиса бўлган, инсон қалбини камситадиган, ислоҳотлар ғоясини обрўсизлантирадиган иллат, коррупцияга қарши кураш ҳамда унинг минимал даражасига эришиш мақсадида, энг аввало, кенг жамоатчилик онгига коррупциянинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотларнинг ривожланишига ва иқтисодий ўсишга ғов эканлиги, барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётини манфаатларини мужассам этадиган Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик! деган ягона мақсад атрофида бирлашиб, биз “Янги Ўзбекистонни

мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда барпо этамиз”, деган улуғвор ният, масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этган ҳолда, «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўз хизмат бурчимиз, деб билиб, фарзандларимиз, келгуси авлодлар учун гуллаб-яшнаган, озод ва обод мамлакатни мерос қилиб қолдиришни ҳаётий эҳтиёжга айлантиришни англаб яшаш ва меҳнат қилиш каби юксак тушунчаларни рўёбга чиқаришга салбий таъсир этувчи таҳдид эканлигини сингдириш зарурлиги сингари вазифаларни қўяётганлигини англаш лозим.

“Коррупция” атамасининг этимологияси хусусида турли фикрлар мавжуд. Кенг оммалашган биринчи фикр тарафдорлари қарашларига кўра, “коррупция” атамаси латинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “пора эвазига оғдириш” деган маънони англатади [7]. Кейинги қарашга кўра, “коррупция” атамаси латинча “corrumpere” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “бузилиш, айниш, таназзул” деган маънони англатади [8]. Бошқа бир тоифа олимларнинг фикрига кўра, “коррупция” латинча “corruptum” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “синган, бузилган” маъносини билдиради ва шахсий ҳаёт ҳамда корпоратив фойда йўлида жамоат манфаатларига путур етказишни англатади [9].

Умуман олганда, славян тилларида “коррупция” пора маъносида тушунилади. Масалан, “коррумпираци” кесими сербхорват тилида “пора бериб, ўз томонига оғдириш, пора бериш” деб таржима қилинган, “коррупенеску” сифати эса чехларда “сотилувчи, сотқин” маъносини англатади [10] ёхуд рус тилидаги “коррупция” – пора эвазига сотиб олиш, мансабдор шахсларнинг, сиёсий арбобларнинг сотқинлиги [11], деб талқин этилган. “Коррупция” атамаси илмий манбалар ҳамда айрим халқаро ташкилотларнинг тавсияларида ҳар хил талқин қилинган. Чунончи, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси”да биринчи бор “коррупция” тушунчасига мансабдор шахсларнинг ҳар қандай шаклдаги мукофот эвазига мансаб ваколатлари доирасида мазкур мукофотни берувчи шахс мафаатларини кўзлаб, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги тушунилади [12], деб таъриф берилган.

Бугунги Ўзбекистон жамиятининг кўплаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муаммолари орасида коррупцияга қарши кураш алоҳида ўрин тутди. Таъкидлаш жоизки, 2003 йил 9 декабрь куни БМТнинг коррупцияга қарши кураш конвенцияси имзоланган. Ушбу конвенция каби офат билан глобал даражада курашишга имкон берадиган янги ҳужжат ҳисобланади. Конвенция дунёвий тараққиётга кўмаклашишда ҳамда барчанинг фаровонлиги учун кишилик дунёсини такомиллаштиришга қаратилган ишларда ҳалоллик, ҳуқуқ

устуворлигини хурмат қилиш, ҳисобот юритиш ва ошкоралик каби фазилатлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Айни вақтда дунёнинг 158 давлати ушбу конвенциянинг аъзоси ҳисобланади. 2008 йил 7 июль куни Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг коррупцияга қарши кураш конвенциясига қўшилиши тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра коррупция дунё ҳамжамиятига йилига 80 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар келтиради [13]. Бугунги кунда давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамиятларининг иқтисодий ривожланишига путур етказадиган, демократик институтларни заифлаштирадиган, ижтимоий тартибни бузадиган ҳамда жамият ишончини йўқотадиган коррупцияга қарши курашда ҳамкорликдаги ҳаракатлар зарурлиги эътироф этилмоқда.

Шу билан бирга, биз барпо этаётган жамиятнинг яна бир муҳим вазифаси ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир кишига ўз оиласини боқиш, билим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ўзининг ва қариндош-уруғларининг кадр-қимматини ҳимоя қилиш учун тенг имкониятлар вужудга келтиришдир. Бунда ички ишлар идоралари ходимларининг жамият иқтисодий майдонини ҳимоя қилишда ўрни беқиёс. Шунингдек, давлатимиз раҳбари маҳалла тепасида ҳалол ва пок одамлар туриши кераклигига эътибор қаратади, чунки одамлар ана шундай ҳалол кишиларнинг ортидан эргашади, уларнинг гапини икки қилмайди. Маҳалла оқсоқоли ва фаолларининг таълим-тарбия масъулияти мактаб ўқитувчиларининг масъулиятдан ортиқ бўлса борки, асло кам эмаслигини алоҳида қайта-қайта такрорлаши бежиз эмас. Маҳалла, оила ва жамоат жойларида тарбияга эътиборсизлик, мактабда таълим-тарбия ишларига бир томонлама ёндашиш салбий ҳолатларга олиб келиши жамиятимиз ахлоқий-маънавий негизларига таҳдид сифатида баҳоланиши лозим. Маҳалла ва оилада тарбиянинг сустиги ўсмирларнинг жиноят оламига кириб кетишига сабаб бўлади. Кўп ҳолларда жиноят қилиш, бир жиҳатдан, бу қалби нопок, нияти бузук кимсаларнинг салбий таъсири бўлса, иккинчи томондан, фарзандларимизнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан гўрлиги, ғоявий жиҳатдан чиниқмаганлиги оқибатидир. Натижада улар ўз юрти у ёқда турсин, ўз ота-оналари бошига ҳам оғир ташвиш солади.

Бу нохуш ҳодиса оилаларда ҳам, маҳаллаларда ҳам тарбиявий ишларнинг сустигидан, раҳбариятнинг эса жойлардаги муҳит, юзага келаётган баъзи бир нохуш вазиятлардан хабардор эмаслиги, лоқайдлиги ва бепарволигидан далолат беради. Жамиятнинг фуқароларга қўядиган талаб битта – иймонли бўлиш, ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш. Ҳар қайси инсон қаерда бўлмасин ва қайси вазифани бажармасин, у вилоят раҳбарими, туман ҳокимими, хўжалик ёки корхона раҳбарими, оддий косиб ёки оддий дехқонми, мартабаси ва касбидан

қатъий назар, ўзини ҳаром-хариш ишлардан тийсин ва ўз жойида ўз вазифасини ҳалол бажарсин.

Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт” [14], – деган фикрлари орқали коррупцияга қарши курашиш қамровини кенгайтириш ва унга қарши курашиш бўйича жамиятда ижтимоий муносабатларга киришаётган ҳар бир фуқаронинг ўзига яраша маълум даражадаги ҳиссаси бўлсагина ижобий натижага эришиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонунда коррупция-шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, шунингдек, бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиши; коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик-коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш; манфаатлар тўқнашуви-шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик кишининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқаролар, ташкилотлар, жамият ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият сифатида таърифланган.

Муборак ҳадислардан бирида айтилишича, мусулмонликнинг энг олий шартларидан бири ҳалоллик ва яна ҳалолликдир. Элга ҳалол хизмат қилишдан ўзга обрў йўқ. Тинч, фаровон, ҳадик-хавотирсиз, обрў-эътибор билан яшамоқликнинг асоси ҳалоллик, руҳан покликдир. Шундай экан, ҳар бир ходим буни эсдан чиқармаслиги шарт. Қилган хуфиёна ишларимни инкор этсам, «ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолади» деб ўйлайдиганлар катта хатога йўл қўядилар. Қилинган ножўя хатти-ҳаракатлар, қонунга ҳилоф ишлар ҳеч қачон ошкор бўлмай қолмайди [15].

Ўз шахсий манфаатлари «қули»га айланган, уларни давлат ва жамият манфаатларидан юқори қўйган ходим, шубҳасиз, коррупциянинг енгил ўлжасига айланади. Маънавий дунёси чегараланган одамлар эртами-кечми ахлоқий тубанликка юз тутадилар. Айнан шундай муҳит коррупциянинг юзага келишига сабаб бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Бежизга халқимиз «Одам бўлиш аста-аста, ҳайвон бўлиш бир пасда», деб айтмаган.

Халқимизда «Нима эксанг, шуни ўрасан», «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади» деган мақоллар бор. Мазкур ҳикматларнинг маъноси ҳар

қандай ёвуз ишни халқ нигоҳидан яшириб бўлмайди, деганидир. Агар бугун бўлмаса, эртага шарманда бўлиш, бир куннинг ўзида йиллар давомида орттирилган ҳурмат-эътибор ва мисқоллаб тўпланган обрўни йўқотиш мумкин. Ҳар қандай порахўрлик, таъмагирлик ҳолати изсиз бўлмайди, чунки биз замон билан ҳамнафас ҳуқуқий давлатда яшамокдамиз, ўз ҳаётини бу салбий ҳолатларга мурасасизлик руҳида қураётган аҳолининг ҳуқуқий онги ўзгармоқда, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги ортмоқда.

Буюк Имом Бухорий ҳазратларининг «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ» асари «Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаси берилади» деган ҳадис билан бошланишида албатта жуда чуқур маъно бор. Шу боис, ҳар бир фуқаро ўз фаолиятини мунтазам равишда ният ва амаллар поклигидан бошлаши унинг инсонийлик ва касбий бурчидир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, коррупцияни заифлаштирмасдан туриб таррақиётга эришиб бўлмайди. Коррупцияга қарши кураш аҳоли маънавиятининг даражаси ва ахлоқ-одоби, демократия қоидаларига содиқлигига боғлиқ бўлади.

Ички ишлар органлари раҳбар кадрларида ҳалоллик фазилатларини шакллантириш масаласига бевосита ўтишдан аввал мазкур йўналишдаги маърифатнинг умумий тавсифига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, коррупцияга қарши маърифат маънавий-ахлоқий тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланиб, коррупцияга қарши маърифат инсонда билим, “иммунитет”, шунингдек, коррупцияга қарши олий мақсадга мос келувчи барқарор хулқ-атвор меъёрларида ўз аксини топган тегишли маънавий-ахлоқий эҳтиёжлар, инсоф, имон-эътиқод, ҳалоллик каби сифат ва ҳиссиётларни шакллантиришга қаратилган мақсадли жараён дир.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишда қонунийлик; фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги; коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги; жавобгарликнинг муқаррарлиги каби асосий принциплар амал қилади. Шу ўринда яна бир карра **раҳбарлик масъулияти ҳақида** тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки бугун ислохотнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқдир.

Халқимиз сабр-тоқатли, чидамли халқ. Уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ўта масъулиятсизлик, ноинсофликдир. Ўзининг хатти-ҳаракати билан ҳукумат шаънига доғ туширадиган раҳбарлар орамизда бўлмаслиги керак. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримов «...ўз пешона тери билан ҳалол турмуш кечирадиган инсон ҳаётидан мамнун ва рози бўлиб, қалби ва

юраги осойишта, виждони пок, рухий олами барқарор бўлиб, элнинг ҳурматини қозониб яшайди. Иккинчи томондан, бу дунёда енгил-елпи, ҳар хил нопок йўлларга берилиб, инсоний бурчини унутиб, мол-дунёга интилиб яшаган одам, энг ачинарлиси шуки, ҳаётининг сўнгида армон ва надоматларга ботиб ўз умрини тугатади» [16], деб таъкидлаганларида нечоғлик ҳақ эдилар.

Шундай қилиб, республика ҳуқуқ-тартибот органлари тизимида маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда қуйидаги асосий масалалар ҳал қилиниб, улар замирида коррупцияга қарши маърифат амалга оширилади:

биринчидан, ҳуқуқ-тартибот посбонларида Ватанига, ички ишлар органлари ходимларининг қасамёдига ва касбий бурчига содиқлигини шакллантириш;

иккинчидан, ички ишлар органлари ходимларини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ИИВ буйруқларига оғишмай риоя қилиш руҳида тарбиялаш;

учинчидан, ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли орасидаги обрў-эътиборини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хизмат вазифаларини, хизмат интизоми меъёрларини, қонунийлик ва касб маданияти талабларини бажариш орқали мустаҳкамлаш;

тўртинчидан, ходимларда юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшайдиган, юқори даражада ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлган фуқаро, ватанпарвар, ўз касбининг моҳир устасининг ахлоқий-рухий сифатлар комплексини яратиш ва ривожлантириш;

бешинчидан, “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида ИИО ходимларини мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда ўқитиш тизимини жорий этишни ташкиллаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга алоқадор фуқароларни қонун нормаларини бузишдан ташқари, ўзининг кимлигини, эътиқоди, маънавияти қай даражада эканлигини ошкор қилади. Бундай одам нафақат молиявий зиён-заҳмат етказди, балки давлатни, демократияни беҳурмат қилиб, обрўсини тўқади, унга нон-туз бериб катта қилган, илму ҳунар, обрў ва мансаб берган эл-юртининг юзига оёқ қўяди. Аксинча, тўғри ишлаб, тўғри яшаш саодатини болалик ва ёшлиқдан ўрганган одам мард ва ҳалол бўлади. Адолатсизлик, қонунга ҳурматсизлик, касбу амалга, ишончга ҳиёнат қилиб бўлмаслигини ўқиб-уққан, порахўрлик ва коррупция ҳамда суиистеъмолликка қарши ўзида иммунитет ҳосил қилган ёшлар келажакда журъатли, виждонли инсон бўлиб етишадилар. Биз барпо этаётган жамиятнинг яна бир муҳим вазифаси ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир кишига ўз оиласини боқиш, билим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ўзининг ва қариндош-уруғларининг кадр-қимматини ҳимоя қилиш

учун тенг имкониятлар вужудга келтиришдир. Бунда ички ишлар идоралари раҳбар кадрларининг жамият иқтисодий майдонини ҳимоя қилишда ўрни беқиёс. Шунингдек, давлатимиз раҳбари маҳалла тепасида ҳалол ва пок одамлар туриши кераклигига эътибор қаратади, чунки одамлар ана шундай ҳалол кишиларнинг ортидан эргашади, уларнинг гапини икки қилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сон фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD-60 as of January 28, 2022 “About the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026”. National Database of Legislation, 29.01.2022, No. 06/22/60/0082).

2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. – No. 1. – 2-м. (The Law of the Republic of Uzbekistan No. LRU-419 as of January 3, 2017 “About Combating Corruption”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга мурожаатномаси. <http://uza.uz/posts/203758>. (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis on January 24, 2020. <http://uza.uz/posts/203758>).

4. Гегель. В. Ф. Сочинения. Т. 13. – 1941. – С. 121-122. (Gegel. V.F. Composition. T. 13. - 1941. - P. 121-122.).

5. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/mumtoz-faylasuflar-hikmati/384-322>.

6. <https://ziyouz.uz/ozbek-ziyolilari/abdurauf-fitrat-2>.

7. Криминология: Учебник/ Отв. ред. М.Х.Рустамбаев. –Т., 2008. – С. 75-76. 2019. (Criminology: Textbook / Editor-in-chief M.H. Rustambaev. –Т., 2008. – P. 75-76. 2019.).

8. Коррупция. [http:// ru. wiki pedia. org/wiki](http://ru.wikipedia.org/wiki). (Corruption. <http:// ru. wiki pedia. org/wiki>).

9. Зуфаров Р. Порахўрлик-коррупция негизи // Давлат ҳуқуқ. – 2000. – №4. – Б. 41. (Zufarov R. The foundation of bribery and corruption // State law. - 2000. – No. 4. - P. 41.).

10. Абдурасулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: асосий тушунча ва шакллари. – Т., 2009. – Б. 14-15. (Abdurasulova Q., Qurbonov O. Corruption: basic concepts and forms. – Т., 2009. – P. 14-15.).

11. Егорова Н.Е. Уголовно-правовые формы борьбы с коррупцией в новых экономических условиях: Автореф. дис...канд. юрид. Наук. – Саратов, 1996. –С. 22. (Egorova N.E. Criminal legal forms of combating corruption in the new economic conditions: Abstract of the thesis. dis...cand. of law. – Saratov, 1996. – P. 22.).

12. Ниёзова С.С. Коррупция ва унинг ижтимоий хавфлиги // Коррупцияга қарши курашиш-жамият ва давлат хавфсизлиги гарови: Респ. Илмий-амалий конф. мат-ри. – Т., 2016. – Б. 160. (Niyozova S.S. Corruption and its social danger // Combating corruption is a guarantee of public and state security: Materials of Rep. Scientific-practical conf. – Т., 2016. – P. 160.).

13. Қобилов.Ш.Р. Қоррупцияга қарши кураш: Иқтисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари // Т. – 2015. – Б 4-5. (Qobilov.Sh.R. Combating corruption: Economic, spiritual and educational measures and ways // Т. – 2015. – P 4-5.).

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маъросимдаги маърузаси. Тошкент 2018 йил. (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the 26th anniversary of adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan. Tashkent 2018.).

15. Якубов, Х. Ш. (2023). ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 25(2), 38-44.

16. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б. 24. (Karimov I.A. High spirituality is an invincible force. – Т., 2008. – P. 24.).